

ЧАККА-ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ КАСАЛЛИКЛИГИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРНИ ДАВОЛАШ КЎРСАТГИЧЛАРИ

Xabilov N. L., Sharipov S.S., Alimov O', Saidov A.

Бухоро давлат тиббиёт институти

Тошкент давлат стоматология институти

Муаммонинг долзарблиги. Чакка-пастки жағ бўғими ичи шикастланишларини ташхислаш ва даволаш қийин ва узок ҳал этилмаган муаммолардан биридир. Даволаш усулини танлашда бўғим диски ва бўғим бошчаси ўзаро муносабати текшириш натижаларига асосланиб танланади. Бўғим диски олдинга сурилган беморларда медикаментоз даволаш ва окклюзион Miller E., Inarejos Clemente EJ.(2018) шиналар қўлланилади.

Бруксизм ва чакка-пастки жағ бўғими касалликларида окклюзион шина ва протезлар билан юз учинчи қисми баландлигини қайта тиклашда эҳтиёткорона ёндашиш керак, чунки чайнов мушакларини гипертонуси инобатга Минаева Р.Н. (1994) олиниши керак.

Stoll ML., Guleria S. Mannion ML (2018) аниқлашдики, медикаментоз, физиотерапевтик, хирургик даволаш усуллари агар тиш қаторлари, бўғим ва мушаклар функцияларини қайта тиклаш билан олиб борилмаса даволаш самараси паст бўлади. “Нейромускуляар синдром”ни даволашда биринчи навбатда сабаб баргараф этилади ва мушак-бойлам апаратини мустахкамлаш керак. “Окклюзион-артикуляцион синдром”да даволаш биринчи навбатда миогимнастикадан бошланиб, кейин сабабчи баргараф этилади. Юқоридагиларни амалга ошириш учун окклюзион шина ва физиотерапия қўлланилади.

Чакка-пастки жағ бўғими дисфункциясида окклюзион шиналарни қўллаб ижобий натижалар олинган. Бўғимдаги оғрик, кулоқ ва бошдаги оғриқлар, оғизни очиш чегараланганлиги баргараф бўлган. 89,4 % ҳолатда хирургик даволашга кўрсатма йуқ. Белгиларнинг ўртача йўқолиш вақти 23 кун, тўлиқ J. Dent. (2004) йўқолиши 3-4 ойдан кейин бўлади.

Чакка-пастки жағ бўғими ички бузилишларини даволашда ҳаво шар насоси усулини қўллаб, бўғим бўшлиғидаги ёпишишни баргараф этади. Силикон ёки латексли шар кулоқ ичига киритилиб шиширилади. Даволашдан кейин бемор ахволи яхшиланди. Бу даволаш билан бирга физиотерапияни ҳам бирга олиб ориш керак Garrocho-Rangel A., (2018).

Чакка-пастки жағ бўғими дисфункция синдромида тана ва юз мушаклари оғрик симптомини баргараф этиш учун совуқ қўлланилади. Бу усулнинг

камчилиги баъзи бир беморларда мушакларнинг узок вақт спастик қишқариши кузатилади Perez C.N. (2018).

24 ёшдан 65 ёшгача тишлов аномалиялари ва тиш қатори нуқсонлари бўлган беморлардаги тишлов баландлиги пасайиши билан кечган тишлар патологик едирилиши кузатилган. Ортопедик даволаш 56 нафар беморда (20 нафар эркак ва 36 нафар аёллар) ўтказилган. Беморлар чайнаш бузилганлигидан, патологик тишлов ва патологик едирилиш оқибатида эстетик нормаларнинг бузилганлигидан ва турли таъсиротларга тишларнинг сезувчан бўлиб қолганлигидан шикоят килади. Беморларда шунингдек лаб, лунж, тил шиллик қаватларининг едирилган тишларни ўткир қирраси билан жароҳатланишлари кузатилган. 10 нафар беморда каттик танглай олд қисми шиллик қавати ва пастки жағ оғиз дахлизи шиллик қавати жароҳати, ҳамда 5 нафар беморда лаб бичилиши кузатилган. Текширилган беморларнинг 14 нафарида дисталь тишлов, 15 нафарида медиал тишлов, 13 нафарида чуқур тишлов ва 14 нафарида кесишган тишлов. Беморлар текширилганда тишлар патологик едирилиш кўриниши тишлов аномалияси ва кесувчи тишлар ёпилиш даражасига Нигматов Р.Н. (2000) боғлиқлиги аниқланган.

Калит сўзлар. Оғиз бўшлиғи, чакка пастки жағ, атцетал, деформация, оккклюзия, бўғим касалликлари, олиб қўйиладиган протез.

Текширилувчи беморлар гуруҳининг клиник тавсифи.

Бухоро давлат тиббиёт институти қошидаги Стоматология ўқув-илмий-амалий маркази ва вилоят болалар стоматология поликлиникаларига даволаниш учун мурожаат қилган 7- 16 ёшдаги 112 нафар болаларда субъектив ва объектив текширишлар ўтказилди. Асосий гуруҳимизда 7-12 ёш болалар 56 нафар, 13-14 ёшли болалар 43 нафар ва 15-16 ёшли болалар 13 нафар.

Беморларни ёши ва жинси бўйича тақсимоти

Текширилувчи гуруҳлар	Текширилувчилар сони	Жинси		Ёши		
		эркак	аёл	7-12	13-14	15-16
Асосий	112	58	54	56	43	13
Назорат	14	8	6	5	4	5
Жами	126	66	60	61	47	18

Клиник текшириш сўраб-суриштириш вақтида анамнез йиғилиб, маҳаллий ва умумий организм касалликлари бор-йўқлигига, таъм сезиш ҳолати, оғиз қуриши, оғизда ноҳуш таъм сезиши, сўлак ажралишига ҳам эътибор берилди. Оғиз бўшлиғи шиллик қавати, тиш ва жағ суяклари томонидан билдирилган шикоятлар аниқланди. Тишларни текшириш давомида унинг ранги,

“бўялганлиги”, ёрилган ва синган тишлар мавжудлиги, сезгирлигини ортиши ёки камайиши, қимирлашига эътибор берилди.

Оғиз бўшлиғи аъзо ва тўқималарининг кўрикдан ўтказиш кетма-кетликда тиш ва тиш қаторлари, прикус, пародонт ҳолати кўрилди, тиш пломбалари, тиш протезлари мавжудлиги ва уларни ҳолатига эътибор берилди. Оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолати текширилди (Green, Vermillion, 1964).

Оғиз бўшлиғи шиллик қавати, лаб ва пародонт тўқимасини кўздан кечиришда милкнинг қонаши, қичишиши ва ачишиши, лаб ҳошиясида афта, яраларни мавжудлиги кўздан кечирилди. Шикоятларни давомийлиги ва уларни ишлаб чиқаришдаги омиллар билан боғлиқлиги аниқланди.

Рентгенологик текшириш усуллари

Тишлар, жағ ва чакка-пастки жағ бўғимини функционал текширишлар ичида рентгенологик текшириш асосий рол ўйнайди. Дентал ва ортопантомаграфия рентгенологик текшириш усуллари Бухоро давлат тиббиёт институти қошидаги Стоматология ўқув-илмий-амалий маркази, вилоят стоматология поликлиникаси ва вилоят болалар стоматология поликлиникасида ўтказилди.

График усулда текшириш.

Пастки жағнинг ҳаракатини оғиз ичидан текширганда:

1. Пастки жағни турли ҳаракатлари пайтида ҳар икала томон бўғим бошчасини симметрик ҳаракатини баҳолаш.

2. Жағнинг орқа жипслашув ҳолатидан ёки марказий окклюзия ҳолатидан, одатий окклюзия ҳолатига ўтиш пайтида пастки жағ бўғим бошини сурилганлигини аниқлаш.

3. ЧПЖБ ва чайнов мушаклари томонидан пастки жағ ҳаракатига тўсқинлик қиладиган омиллар бор йўқлигини аниқлаш.

4. Пастки жағ ҳаракат траекториясини ўзгартирадиган ёки чегаралайдиган омилни аниқлаш, бу ўз вақтидан олдинги тиш контакти ҳисобланади. пастки жағнинг ҳаракатини оғиз ичидан текшириш аппарати (функциограф) таркибий қисмига пастки жағ горизонтал пластинкаси, юқори жағ учун қаттиқ ва пружинали штифлар ўрнатилади ва қаттиқ штифт ёрдамида қуйидагилар ёзиб олинади: пастки жағнинг ўнг ва чап ҳаракатлари орасидаги бурчак, пастки жағнинг олдинги ҳаракати, пастки жағнинг бажара оладиган ҳаракатлари, пастки жағнинг ён ҳаракати амплитудаси чайнов мушаклари ва ЧПЖБ ҳолатини аниқлайди.

Пружинали штифт ёрдамида ёзилади: Готик ёй ва Окклюзион майдон.

Готик ёйни аниқлаш учун супергипсдан қуйилган моделларни марказий окклюзия ҳолатида артикуляторга ўрнатиб аниқланади. Моделларга ўзи қотувчи

пластмассадан асос тайёрланади. Пастки жағ метал пластинка, юқори жағга фиксация қилинадиган тугун, бу тугунда қаттиқ ва пружинали штифтлар ўрнатилади. Артикуляторда аниқ текширилгандан кейин беморга пастки жағ ҳаракатлари тушунтирилади, сабаби "кераксиз" чизиклар ҳосил бўлишини олдини олиш учун. Аппарат жағга ўрнатилгач бемордан қуйидаги ҳаракатларни бажариш сўралади: марказий окклюзия ҳолатида огизни ёпиш токи штифт пластинкага теккунча, ўнг томонга ҳаракат, огизни очиш, марказий окклюзия ҳолатида огизни ёпиш токи штифт пластинкага теккунча, чап томонга ҳаракат, огизни ёпиш.

Кейинчалик график ёзув ўрта штифт ва калта штифтда давом эттирилади. Пастки жағ окклюзион ҳаракатларини ёзиб олиш учун калта пружинали штифт ўрнатилади ва бемордан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш сўралади: пастки жағни орқа контакт ҳолатида жипслаштириш, орқа окклюзия ҳолатидан жағ ўнг тарафга бурилади, огиз очилади, пастки жағни орқа контакт ҳолатда жипслаштириш, орқа окклюзия ҳолатидан жағ чап тарафга бурилади, огиз очилади, пастки жағни орқа контакт ҳолатидан марказий окклюзия ҳолатига силжитилади, марказий окклюзион ҳолатидан жағни ўнг томонга ҳаракатлантиради, огиз очилади, огиз орқа окклюзия ҳолатида юмилади ва марказий окклюзия ҳолатига келтириб чапга ҳаракатлантиради, огиз очилади, огиз орқа контакт ҳолатида ёпилиб, марказий окклюзия ҳолатида силжитилади, марказий окклюзия ҳолатидан олд окклюзияга сурилади, огиз очилади.

Пастки жағ ҳаракатларини моделда текшириш турли хил артикуляторлар ёрдамида амалга оширилади. Қуйидаги артикуляторлар тафовут қилинади.

- ярим анатомик, ярим бошқарувчан, бошқарувчан ёйли ва ёйсиз турлари. Моделларни рамалар орасида жойлаштириш балансир ёки юз ёйи ёрдамида амалга оширилади. Бунда моделлар артикуляторнинг худди ЧПЖБ га ўхшаган штифт ўқича юз ёйи ёрдамида мослаштириб жойлаштирилади.

Бўғим боши ва тиш каппалари орасидаги масофа артикулятордаги масофа билан мос келиши керак. Юз ёйи ўрта сагитал ва окклюзион юзаларга мўлжаллаб мослаштирилади. (Франкфурт горизонтали-орбитанинг пастки қирғоғидан, ташкил этувчи йулининг юқори қирғоғигача бўлган) чизик.

Қуйидаги ноқулай вазиятлар - ён тишларни узайиши, юз-калла суягини ўрта чизикқа нисбатан сурилиш ҳолатларида балансир ёрдамида моделларни ўрнатиш имкониятини бермайди, юз ёйи эса моделларни артикуляторга аниқ жойлаштириш имкониятини яратади.

Юз ёйининг таркибий қисмлари: кулоксимон қанотлар жойлаштирилган ён ричаглар; юқори жағ тишларига термопластик масса ёрдамида ўрнатиладиган тишлов вилкаси; бурун таянчи; арбитал стрелка; бошнинг ўртача чизигини аниқлайдиган кўрсаткич.

Юз ёйи ёрдамида моделларни артикуляторга жойлаштириш қуйидагича амалга оширилади. Тишлов вилкасини термопластик масса ёки махсус мум ёрдамида юқори жағ тишларига ўрнатиш; ён ричагларни ўрнатиш ташкил этувчи йулига қулоқ учун махсус қанотларини ўрнатиш, бурун таянчини ўрнатиш; орбитал стрелкани орбитани пастки қирғоғи бўйлаб мослаштириш ён ричагларни тишлов вилкаси билан қаттиқ махкамлаш қулоқ қанотларини ташқи эшитув йулидан бўшатиб чиқариш, бурун таянчини бўшатиш, юз ёйини тишлов вилкаси билан биргаликда оғиздан чиқариб олиш, юз ёйини тишлов вилкаси билан биргаликда артикуляторга ўрнатиш, юқори жағ моделини тишлов вилкаси қолипига ўрнатиш ва артикуляторни юқори рамасига гипслаш, пастки жағ моделини тишлов блоклари ёрдамида юқори жағ моделларига мослаштириш ва пастки рамага гипслаш.

Диагностик моделларни ўрганиш.

Альгинат эластик қолип олиш хом-ашёси билан диагностик модел тайёрлаш учун анатомик қолип олинди. Диагностик модель (Копейкин В.Н., Демнер Л.М., 1985) гипсдан қуйиб тайёрланди. Диагностик моделларда тиш қаторлари ҳолати уларнинг ўзаро муносабати ва антропометрик текширишлар ўтказилади.

Беморларни текшириш вақтида тиш қаторлари ва окклюзион муносабатларни баҳолаш учун диагностик моделлардан фойдаланамиз. Тиш қаторлари муносабатини, марказий окклюзия ҳолатида беморни тишлатиб аниқлашимиз мумкин. Нормал физиологик тишловларда 2-томонлама симметрик, фиссур думбок жипслашув кузатиладиган марказий тишлар соҳасида эса симметрик кесув думбок контакти кузатилади. (курак ва қозик тишлар). Бундай нормал жипслашув парадонт тўқимасини зуриқишдан химоялайди, чайнов босимини тиш ўқи-бўйлаб тарқатади. Тиш окклюзион юзаси таркибига кирадитиш дўмбоғи (дўмбок асоси, чўққиси, дўмбок қиялиги), тиш қирғоғи, дўмбоқлар орасидаги энг чуқур фиссурадан иборат. Дўмбоқларнинг мезиал ва дистал юзаларида кичик болишлар ҳосил қилади, бу эса онтогонист дўмбоқлар учун сирпаниш юзасини ҳосил қилади. Окклюзион контактларни тўғри коррекция қилиш учун окклюзион контактларни ҳам оғиз бўшлиғига ҳам диагностик модел ўрнатишни артикуляторда муайян талабларига риоя қилган ҳолда ўрнатиб чиқилади.

статистик таҳлил.

Тадқиқотдан олинган натижаларнинг статистик ишлови Pentium IV персонал комьютерида Microsoft Excel махсус 2007 стандарт дастурлар пакети ёрдамида амалга оширилди. Стъудентни t-мезонлари қўлланилган ҳолда Фишерни вариацион статистик усули бўйича таҳлил қилинди ва баҳоланди. Миқдорий кўрсаткичларни ўртача даражалари (M) ва уларнинг ўртача оғишлари

(m) ҳисоблаб чиқилди. Миқдорий кўрсаткичларни ўртача даражалари орасидаги фарқ $p < 0,05$ бўлса статистик ишончли деб ҳисобланди (Антонова О.В, 1996).

Рентгенологик текшириш натижалари.

Рентгенологик текширув чакка-пастки жағ бўғимида функционал ўзгариш бўлган 13-16 ёшли 28 нафар ортогнатик тишловли ўсмирларда ва назорат гуруҳида 12 нафар ўсмирларда ўтказилди.

Назорат гуруҳидаги ўсмирлар ортопантомограммаси ўрганилганда, ортогнатик тишловда бўғим ўсиқчасининг кўриниши силлиқ бўртиқ кўринишидалиги аниқланди. Бўғим ўсиқчасининг айлана, овалсимон, эллипссимон кўринишлари бор.

Биз текширишларимиз давомида шуни аниқладикки, кўп ҳолатларда ўнг ва чап бўғим бошчаси кўринишлари бироз бўлсада фарқ қилади. Назорат гуруҳидаги ўсмирлар 7 нафарида ўнг ва чап томон бўғим бошчаси бўйнига қараб силлиқ ўтганлиги аниқланди.

Асосий гуруҳимиздаги ўсмирлар ортопантомограммасида аксарият беморларда 83,6% да бўғим бошчаси бўйнига қараб силлиқ ўтган, баъзи беморларда 17,4% да бўғим бошчаси бўйнида нотекислик кўринди.

Ортогнатик тишлов ва чакка-пастки жағ дисфункцияси бор ўсмирларда ортопантомограмма тахлили шуни кўрсатдики, баъзи беморларда пастки жағ суяги морфологик бузилишлари кузатилди (пастки жағ суяги деформацияси, пастки жағ шохининг асимметрик ривожланиши).

Диагностик моделларни ва функционал окклюзияни ўрганиш натижалари

Асосий ва назорат гуруҳида ҳам функционал окклюзияни биз оғиз бўшлиғида ва артикуляторда ўргандик. Назорат гуруҳини текширишларимиз натижалари кўп авторлар натижалари билан мос келди. Марказий окклюзия ҳолатида фисура-дўмбоқча контакт барча тиш гуруҳларида кузатилди. Олд окклюзияда фронтал тишлар симметрик жиплашяпти, ён окклюзияда ишчи томонда тишлар 60% жипслашган, 40% ҳолатда қозиқ тишлар жипслашуви, баннсловчи томонда эса окклюзион жипслашиш йўқ.


Асосий гуруҳда эса окклюзион жипслашиш турли хил ўзгаришлар кузатилди. 14 нафар беморларда суперконтакт орқа ва марказий окклюзияда кузатилди. 11 нафар беморларда олд окклюзияда- кесувчи тишларнинг асимметрик жипслашуви, 16 нафар беморларда ён окклюзияда балансловчи ва улардан 6 нафарида гипербалансловчи суперконтакт кузатилди.

Назорат гуруҳида функционал окклюзияни текшириш натижалари шуни кўрсатдики, пастки жағнинг ён ҳаракатларида бўғим ва мушаклар эркин симметрик ҳаракатланди.

Асосий гурух эса ён окклюзия линиясида ҳаракат қийшиқ ва ассиметрик, улар амплитудаси чегараланган.

Текширилган беморларда даво профилактика чораларидан кейин оғиз бўшлиғи тўқималаридаги клиник-функционал ўзгаришлар

Текширилганлар болалар гурухидан ажратиб олинган доимий назоратдаги жами 71 кишида (17 нафар назорат гурухи ва 54 нафар асосий гурух) 2017-2019 йиллар давомида даво-профилактика ишлари олиб борилди. Даво профилактика ишларида кариес ва нокариес тишларни даволаш, тиш қаторларидаги қисман адентия ҳолатларини сунъий тиш протезлари қўйиш билан бартараф этиш каби тадбир чоралари қўлланилди.



1-расм. Ўтказилган даво-профилактик чоралар кейин кариес тарқалганлиги, интенсивлиги ва ўсиш интенсивлиги кўрсаткичлари.

Текширилганлар орасида даволашларнинг якунида тиш қаттиқ тўқимасидаги электр кузгалувчанлик даражасида: электр кўзгалишида ўртача марказий тишларида 10,4+1,8 мкА, қозиқ тишда 14,6+1,9 мкА, озик тишларда 18,9+1,8 мкА га тенг натижалар кузатилди.

Текширилганлар (112 киши) орасида тиш қаттиқ тўқимасининг кариесга чидамли даражаси анъанавий даволанганларнинг 29,1% ида 1-даражали, 34,8% 2-даражали, 36,04% 3-4 даражали кариесга чидамлилик даражаси ижобий

ўзгариши кузатилади. Натижалар асосида тиш қаттиқ тўқимаси эмалининг резистентлигининг ўзгариши, болалар орасида аралаш сўлак таркибидаги рН-мухитнинг кислотали томонга силжишига сабаб бўлиши оқибатида нокариес тиш қаттиқ тўқимаси жароҳатлари кўпайишини кўрсатмоқда.

Ацитал пластмассада тайёрланган ўсмирлар учун қисман олиб қўйиладиган протезлар ва унинг самараси

Бизга маълумки чакка-пастки жағ бўғими (ЧПЖБ) функционал бузилишларини келиб чиқишида қисман тишсизлик ҳам юкори ўрин эгаллайди. Қисман тишсизлик оқибатида пастки жағнинг ва чайнов мушакларининг нормал фаолияти бузилади. Болаларда тиш йўқотишларнинг асосий сабаблари кариес ва унинг асоратлари ҳамда болалар оғиз бўшлиғи гигиенасига улар ва оналарнинг эътиборсизлигидир. Амалмашинув тишлов даврида болалар доимий тиши, яъни окклюзиянинг калити ҳисобланган 6-тишни йўқотиши оқибатида ўз вақтида протезланмаса тиш қаторида деформациялар ва кейинчалик ЧПЖБда функционал бузилишлар келиб чиқади. Доимий тишлов даврида чайнов тишларни йўқотиш кўпроқ Кенеди бўйича 1 ва 2-синф тишсизликда тишлов баландлигининг ўзгариши ҳам ЧПЖБда функционал бузилишларга олиб келади.

Болалар ва ўсмирларда жағларнинг ўсишини инобатга олганда қисман тишсизликни кўприксимон протезлар билан даволаб бўлмайди. Болалар ва ўсмирларда қисман тишсизликни кўпчилик ҳолатларда қисман олиб қўйиладиган пластинкали протезлар билан даволанади.

Бухоро давлат тиббиёт институти қошидаги стоматология ўқув-илмий-амалий марказида биз (14-18ёш) 24 нафар ўсмирларда қисман тишсизликни ацетал пластмассада қисман олиб қўйиладиган пластинкали протезлар қўйиш билан даволадик.



2- расм. Тиш қаторининг олдинги нуқсони



3-расм. Тиш қаторидаги олдинги нуқсонни ацетал пластмассали қисман олиб қўйиладиган протез билан тиклаш



4-расм. Тиш қаторидаги ён нуқсонни



5-расм. Тайёр ацетал пластмассали қисман олиб қўйиладиган протез.



6-расм. Тиш қаторидаги ён нуқсонни ацетал пластмассали қисман олиб қўйиладиган протез билан тиклаш

Тиш-жағ аномалиялари ва деформацияларининг ривожланиши полиэтиологик саналади. Жумладан, биз изланишларимизда маҳаллий этиологик омиллар - зарарли одатлар натижасида тиш-жағ соҳаси фаолиятидаги салбий

ўзгаришлар, сут тишларини нотўғри даволаш, сут тишларини эрта йўқотилиши, доимий тиш қаторларидаги нуқсонларни вақтида бартараф этилмаслиги шулар жумласидандир. Аксарият ҳолатларда болалар ўртасида тиш-жағ тизими аномалияларини эрта ташхиси ва даволаш муолажалар олиб борилмаслиги натижасида, ушбу нуқсонларнинг келиб чиқиши ва асоратларнинг олдини олиш масалалари ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Стоматологик марказида амбулатор даволанишда бўлган тиш қаторлари окклюзион аномалиялари мавжуд (дистоокклюзия, вертикал кесувчи дизокклюзия ёки чуқур кесувчи окклюзия) беморларнинг 93 та амбулатор карталарининг ретроспектив таҳлили ўтқаздик. Ушбу беморларнинг ёши, жинсига, яшаш шароити, ота-онасининг иш фаолиятига, мавсумий ва соматик касалликлари учраши махсус текширувлар натижаси билан баҳоладик ва солиштирма таҳлил қилдик. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, орофациал дисфункцияси (ОФД) мавжуд бўлган 54 нафар болаларнинг 42,7% да сагитал текисликдаги нейтрал окклюзия кузатилди.

Дистал окклюзия 24 нафари болаларда ташхисланиб бу ОФД си мавжуд барча болаларнинг 44,4% ни ташкил этган бўлса, 7 (12,9%) нафар беморларда мезиал окклюзия ташхисланди.

Текширилганларнинг болаларнинг 86,2% да ОФД да вертикал текисликдаги бузилишлар аниқланиб, шундан 23,0% ҳолатда кесувчи тиш дезокклюзияси ва 43,2% ҳолатда чуқур кесувчи окклюзия аниқладик. Шуни таъкидлаш жоизки, горизонтал текисликдаги бузилиши бор болалар текширилувчилар гуруҳдан чиқарилиб даволаниш учун ортодонтга юборилди.

Текширилганларнинг болаларнинг 66,5% да 9-12 ёшлилар орасида ОФД мавжуд бўлиб, тиш-жағ аномалия ва деформация белгилари кузатилмайди, 16,5% ҳолатларда тиш-жағ аномалияларини ва деформациялари учраб орофациал дисфункция билан бирга келиши аниқланди. Тиш-жағ аномалияларини ва ОФД си бўлмаган болалар сони 17,0% ни ташкил этди.

Шунингдек текширилган 12-14 ёшли болаларда орофациал дисфункция ва тиш-жағ аномалияларини қуйидаги тартибда тарқалганлиги аниқланди: тиш-жағ аномалиялари ОФД бор болалар - 72,6%, ОФД мавжуд тиш-жағ аномалиялари белгилари бўлмаган болалар- 8,4%, тиш-жағ аномалиялари и ОФД белгилари бўлмаган болалар - 18,9% ташкил этди. Болалар ёши катталашиб бориши ёки эрта тиш алмашинув даврига келиб юз-жағ соҳаси аномалия ва деформацияларнинг тарқалганлиги и ОФД бўлмаган болалар сони деярли ўзгармайди ($p > 0,10$), аксинча тиш-жағ аномалия ва деформациялари бор болалар улуши 16,5% дан 72,6% га ошади ($p < 0,001$), орофациал дисфункцияси бор лекин юз-жағ соҳаси аномалия ва деформацияларнинг тарқалганлиги белгилари йуқ болалар сони 66,5% дан 8,4% га камаяди ($p < 0,001$).

Шундай қилиб, эрта тиш алмашиниш даврида орофациал дисфункция тарқалганлик даражаси юқори бўлди. Ёши катталашиб бориши билан болаларда орофациал дисфункцияни ўрнини тиш-жағ аномалиялари эгаллайди ва юз-жағ соҳаси функционал бузилишига олиб келади.

Биз текширган болалар ва ўсмирларнинг 18 нафар 14-16%да ЧПЖБ дисфункцияси белгилари кузатилди. ЧПЖБ дисфункцияси бўлган болаларни ёш гуруҳи бўйича ўрганганимизда алмашинув тишлов давридаги болаларда 7 нафар 39% ва доимий прикусдаги ўсмирларда 11 нафар 61 % учраши аниқланди.

Болалар орасида (54 нафар) ўтказилган тиш қаттиқ тўқимасидаги электр кўзғалувчанлик даражаси пасайиши кузатилди. Марказий тишларида электр кўзғалишнинг пасайиб кетиши ўртача $18,3 \pm 1,1$ мкА, козиқ тишда $22,2 \pm 1,6$ мкА, озиқ тишларда $28,6 \pm 2,2$ мкА га тенг натижалар қайд этилди. Назорат гуруҳда (17 кишида) текширилганлар тишларининг анатомик шаклидан қатъий назар курак тишда $5,7 \pm 0,8$ мкА, козиқ тишда $6,0 \pm 1,0$ мкА, озиқ тишда $7,9 \pm 1,0$ мкА га тенг натижа аниқланди.

Текширилганлар орасида тиш қаттиқ тўқимасининг кариесга чидамлик даражасини аниқлашга қаратилган текширишлар илмий хулосамиз учун ахамиятли натижалар берди. Текширилган болаларнинг 21,2% ида 1-даражали кариесга чидамлик, 23,3% ида 2-даражали ва 55% да тиш қаттиқ тўқимасининг кариесга резистентлик кўрсаткичларининг пасайгани аниқланди.

Назорат гуруҳдаги текширилганларда 1 ва 2- даражали кариесга чидамлик 58,2% ини , 3- даражали гуруҳ 27,7% ида 4- даражали гуруҳ 14% кишида аниқланди.

Шунингдек текшириш жараёнида биз болалар ва назорат гуруҳдагилар орасида оғиз бўшлиғи функционал кўрсаткичларни баҳоладик. Уларда ўртача ГИ асосий гуруҳдаги болаларда $3,6 \pm 0,08$, назорат гуруҳда $2,0 \pm 0,08$ га тенг; ПИ асосий гуруҳдаги болаларда $3,8 \pm 0,05$, назорат гуруҳда $2,4 \pm 0,06$; аралаш сулакдаги рН-мухит асосий гуруҳдаги болаларда $4,8 \pm 0,01$, назорат гуруҳда $7,0 \pm 0,04$; РМА асосий гуруҳдаги болаларда $24,6 \pm 0,89\%$, назорат гуруҳда $9,7 \pm 0,7\%$ натижа аниқланди.

Текширилганлар болалар гуруҳидан ажратиб олинган доимий назоратдаги жами 71 кишида (17 нафар назорат гуруҳи ва 54 нафар асосий гуруҳ) 2017-2019 йиллар давомида даво-профилактика ишлари олиб борилди. Даво профилактика ишларида кариес ва нокариес тишларни даволаш, тиш қаторларидаги қисман адентия ҳолатларини сунъий тиш протезлари қўйиш билан бартараф этиш каби тадбир чоралари қўлланилди.

Бухоро давлат тиббиёт институти қошидаги стоматология ўқув-илмий-амалий марказида биз (14-18ёш) 24 нафар ўсмирларда қисман тишсизликни ацетал пластмассали қисман олиб қўйиладиган пластинкали протезлар қўйиш

билан даволадик. Даволаш тиш йўқотилгандан сўнг қисқа муддатда олиб борилди. Шунингдек уларни протезлангандан кейин тиш қатори ва окклюзион сатҳда ҳамда ортопантограммада бўғимда ҳеч қандай ўзгариш йўқлигини кўрдик.

Ўсмирлар тиш қаторлари ва окклюзион сатҳдаги ўзгаришларни чакка пастки жағ бўғими ривожланишига таъсирини ўрганиб, тиш қаторидаги аномалия ва деформацияни олдини олишнинг замонавий усулларида бири Ацетал пластмасали протезлар тайёрланди. Бу протезнинг афзаллик томонлари илмоқ қўйиладиган тишларга қоплама қўйиш керак эмаслиги ва илмоқларни косметик талабларга жавоб бериши ҳамда протез майдони кичиклиги сабабли протезга мослашишни кам вақт талаб этишидир.

Биз даволаган беморлар оддий пластмассадан тайёрланган протезларга нисбатан ацетал пластмасали протезларга тез кўникди .

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Акбаров А. Н. и др. ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЕ ОБОСНОВАНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ НОВОЙ КОНСТРУКЦИИ ОТЕЧЕСТВЕННОГО ЗУБНОГО ИМПЛАНТАТА.

2. Алимов А. С., Хабилов Н. Л., Алимов А. А. ИЗУЧЕНИЕ КОНТАКТНОЙ ПОВЕРХНОСТИ ПЛАСТИНОЧНЫХ ЗУБНЫХ ПРОТЕЗОВ ДО И ПОСЛЕ ИЗОЛИРОВАНИЯ АДГЕЗИВНОЙ СИСТЕМОЙ У ВИЧ-ИНФИЦИРОВАННЫХ БОЛЬНЫХ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ СКАНИРУЮЩЕЙ ЭЛЕКТРОННОЙ МИКРОСКОПИИ //WORLD SCIENCE: PROBLEMS AND INNOVATIONS. – 2018. – С. 330-333.

3. Акбаров А. Н. и др. ПРЕИМУЩЕСТВА ВРЕМЕННЫХ НЕСЪЕМНЫХ ФРЕЗЕРОВАННЫХ И ПОЛИМЕРИЗОВАННЫХ ПЛАСТМАССОВЫХ ПРОТЕЗОВ НА ИМПЛАНТАТАХ //БАРҚАРОРЛИК ВА ЕТАКЧИ ТАДҚИҚОТЛАР ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ. – 2021. – Т. 1. – №. 5. – С. 239-242.

4. Gaffarov S., Sharipov S. ANALYSIS OF MACRO AND MICROELEMENTS IN TEETH, SALIVA, AND BLOOD OF WORKERS IN FERGANA CHEMICAL PLANT OF FURAN COMPOUNDS //European Medical, Health and Pharmaceutical Journal. – 2014. – Т. 7. – №. 2.

5. Гульмухамедов П. Б., Хабилов Н. Л., Бобоев К. Т. РОЛЬ-308 G> А ПОЛИМОРФИЗМА ГЕНА TNF-а В ФОРМИРОВАНИИ ХРОНИЧЕСКОГО ПАРАДОНТИТА //Современная медицина: новые подходы и актуальные исследования. – 2018. – С. 44-48.

6. Гульмухамедов П., Хабилов Н., Бобоев К. Необходимость генетических исследований в стоматологии //Stomatologiya. – 2017. – Т. 1. – №. 3 (68). – С. 91-94.
7. Khabilov N. L. et al. Ilyas Sh., Usmonov FK EXPERIENCE OF EXPERIMENTAL APPLICATION OF RATIONAL DESIGN OF DOMESTIC DENTAL IMPLANT //Central Asian journal of medical and natural sciencesVolume. – Т. 2. – С. 5-12.
8. Khabilov N. L. Nurova Sh. N., Nurov NB THE PREVALENCE OF DENTAL JAW ANOMALIES IN CHILDREN OF SCHOOL AGE OF THE BUKHARA REGION //International Journal of Applied and Fundamental Research. – 2015. – №. 12-9. – С. 1633-1634.
9. Khabilov N. L. et al. The Role of Biomimetic Incubation of Sandblasted Titanium Implants in the Process of Osseointegration: An Experimental Study in Dogs //International Journal of Biomedicine. – 2015. – Т. 5. – №. 1. – С. 38-40.
10. Khabilov N. L. et al. The Study of Structural Changes in Bone Tissue of Alveolar Process of Jaws in Experimental Animals after Implantation of a New Construction of Dental Implant from Titanium Bt-1.00 Developed in Uzbekistan //European Medical, Health and Pharmaceutical Journal. – 2015. – Т. 8. – №. 1.
11. Khabilov N. L., Nusratov U. G. Features dental care for patients with type 2 type depending on disturbance of Kidney function //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2019. – Т. 8. – №. 10. – С. 18-24.
12. Khabilov N. L. et al. Comparative analysis of biomaterials intended for osteoarthritis //Journal of Medicine Innovations. – 2021. – Т. 1. – С. 72-77.
13. Khabilov N. L., Usmonov F. K., Mun T. O. ASSESSMENT OF CHANGES IN THE QUALITY OF LIFE OF PATIENTS WITH DENTITION DEFECTS BEFORE AND AFTER PROSTHETICS AND DENTAL IMPLANTATION USING AN IMPLANT IMPLANT. UZ //Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 6. – С. 509-513.
14. Махсумова С. С. и др. ИММУНОЛОГИЧЕСКОГО СТАТУСА ПОЛОСТИ РТА У ДЕТЕЙ БОЛЬНЫХ ОСТРЫМ ГЕРПЕТИЧЕСКИМ СТОМАТИТОМ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 16. – №. 4. – С. 53-56.
15. Mun T. O. et al. Experience of Experimental Application of Rational Design of Domestic Dental Implant //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 5-11.
16. Мун Т., Хабилов Н., Усманов Ф. ПРИМЕНЕНИЕ ДЕНТАЛЬНЫХ ИМПЛАНТАТОВ РАЗЛИЧНОЙ КОНСТРУКЦИИ ДЛЯ ВОССТАНОВЛЕНИЯ ДЕФЕКТОВ ЗУБНЫХ РЯДОВ //Медицина и инновации. – 2021. – Т. 1. – №. 4. – С. 436-442.

17. МУН Т. О. и др. ЯНГИ МИЛЛИЙ ТИШ ИМПЛАНТАТИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ЯРАТИШ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИНИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 16. – №. 4. – С. 57-62.

18. Lukmanovich H. N. et al. The problem of creating a bioactive layer of the intraosseous dental implants in Uzbekistan //European science review. – 2016. – №. 3-4. – С. 247-251.

19. Lukmanovich H. N., Olegovna M. T., Komilzhonovich U. F. Densitometric study of degree of osteointegration of the dental implant “implant. Uz” in experimental conditions //European science review. – 2016. – №. 3-4. – С. 244-245.

20. Lukmanovich K. N., Salomovich S. S. METHODS OF SAFETY OF DENTAL PROSTHETIC PRACTICE DURING THE COVID-19 PANDEMUM //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – Т. 3. – №. 11. – С. 819-828.

21. Lukmanovich X. N. et al. COVID-19 BILAN O'G'RIGAN TISHSIZ BEMORLAR OG'IZ SHILLIQ QAVATI TIZIMIDAGI BUZILISHLAR //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 14. – №. 4. – С. 152-154.

22. Salomovich S. S., Miraziz o'g'li A. M., Yoqubjonovich A. T. TO'LIQ TISH SIZ BO'LGAN BEMORLARNI OLINADIGAN PLASTINKA PROTEZLAR BILAN DAVOLASHNING MOHIYATI //Scientific Impulse. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 881-884.

23. Salomovich S. S. et al. COVID-19 BILAN O'G'RIGAN BEMORLAR OG'IZ BO'SHLIG'I SHILLIQ QAVATIDAGI O'ZGARIZSHLAR //Scientific Impulse. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 890-894.

24. Salomovich S. S. PERIODONTAL TO'QIMA KASALLIKLARIGA CHEKUVCHILARNING TAMAKINI QIZDIRISH VOSITALARIDAN FOYDALANGAN HOLATIDAGI O'ZGARISHLARI //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 16. – №. 3. – С. 150-155.

25. Salimov O. et al. THE JUSTIFICATION FOR A RATIONAL DESIGN OF A DENTAL IMPLANT WITH A LOCKABLE MOUNT-ATTACHMENT //European Journal of Molecular & Clinical Medicine. – 2020. – Т. 7. – №. 2. – С. 2020.

26. Sharipov S. ASSESSMENT OF CHANGES IN THE MICROBIOLOGICAL PARAMETERS OF THE ORAL FLUID IN PATIENTS WHO UNDERWENT COVID-19 WITH COMPLETE EDENTULISM BEFORE AND AFTER PROSTHETICS //NeuroQuantology. – 2022. – Т. 20. – №. 15. – С. 6734-6739.

27. Tashpulatova K. et al. Technique for eliminating traumatic occlusion in patients using Implant-supported bridges //European Journal of Molecular & Clinical Medicine. – 2020. – Т. 7. – №. 2. – С. 6189-6193.

28. Сафаров М., Мусаева К., Шарипов С. Олинмайдиган кўприксимон тиш протезларининг оғиз бўшлиғи микробиологик ҳолатига таъсири //Stomatologiya. – 2017. – Т. 1. – №. 2 (67). – С. 51-54.

29. Саломович Ш. С. THE INFLUENCE OF NONREMOVABLE BRIDGERESTORATION TO THE ORAL CAVITY MICROFLORA // Ёш олимлар кунлари тиббиётнинг долзарб масалалари: III. – 2014 – Т. 1. – С. 102.

30. Саломович Ш. С. THE INFLUENCE OF REMOVABLE DENTURES ON THE ORAL CAVITY MICROFLORA //Ёш олимлар кунлари тиббиётнинг долзарб масалалари: III. – 2014. – Т. 1. – С. 102.

31. Салимов О. Р., Хабилов Н. Л., Касымов А. Ш. Микробиология полости рта у больных, страдающих пузырчаткой //Врач-аспирант. – 2009. – Т. 29. – №. 2. – С. 133-139.

32. Habilov N. et al. Optimization of dental culture at school children and teachers residing prearal-region //International Journal of Pharmaceutical Research. – 2020. – Т. 12. – №. 2. – С. 733-735.

33. Салимов О. и др. ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ БИОАКТИВНОГО ПОКРЫТИЯ ДЛЯ ОТЕЧЕСТВЕННОГО ДЕНТАЛЬНОГО ИМПЛАНТАТА //Stomatologiya. – 2020. – Т. 1. – №. 2 (79). – С. 15-19.

34. Сафаров М. и др. Влияние несъемных зубных протезов различной конструкции на микробиологические и иммунологические показатели полости рта //Stomatologiya. – 2014. – Т. 1. – №. 1 (55). – С. 18-23.

35. Иноятлов А. Ш. и др. Тиш қатори ва окклюзион тексликдаги ўзгаришлар ҳамда уларнинг чакка-пастки жағ бўғимига таъсири //Интегративная стоматология и челюстно-лицевая хирургия. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 40-47.

36. Иноятлов А. Ш. и др. Особенности клинических проявлений COVID-19 в ротовой полости //Интегративная стоматология и челюстно-лицевая хирургия. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 37-39.

37. Ирсалиев Х. И. и др. Сканирующая электронная микроскопия твёрдых тканей зубов при патологической стираемости //Stomatoloaya-2002. – 2002. – С. 3-4.

38. Ирсалиев Х. И., Нигматов Р. Н., Хабилов Н. Л. Ортопедик стоматология //Тошкент: ИLM/ЗИҮО, 2011.–304 б. – 2006.

39. Ирсалиев Х. и др. Особенности условий труда стоматологов-ортопедов и мероприятия по оптимизации условий и организации труда //Stomatologiya. – 2010. – Т. 1. – №. 1-2 (41-42). – С. 11-16.

40. Habilov N., Sharipov S. COVID-19 TUFAYLI TISHSIZ BEMORLARDA OG'IZ BO'SHLIG'I SHILLIQ QAVATIDAGI O'ZGARIZSHLAR //СБОРНИК ТЕЗИСОВ Международной научно-практической конференции «Актуальные

проблемы ортопедической стоматологии и ортодонтии. – 2022. – Т. 10. – С. 139-140.

41. Xabilov N., Sharipov S. TO'LIQ ADENTIYASI BO'LGAN BEMORLARNI OLINADIGAN PLASTINKA PROTEZLAR BILAN DAVOLASHNING ASOSIY JIHATLARI //СБОРНИК ТЕЗИСОВ Международной научно-практической конференции «Актуальные проблемы ортопедической стоматологии и ортодонтии. – 2022. – Т. 10. – С. 176-178.

42. Хабилов Н. Л. и др. ЎСМИРЛАР ТИШ ҚАТОРЛАРИ ВА ОККЛЮЗИОН САТҲДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЧАККА ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ РИВОЖЛАНИШИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 14. – №. 4. – С. 150-151.

43. Хабилов Н. Л. и др. ЧАККА-ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ ҲАҚИДА АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 15. – №. 2. – С. 79-85.

44. Хабилов Н. Л. и др. ТИШСИЗ ПАСТКИ ЖАҒ СУЯК ТЎҚИМАСИ ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ СУЯК ИЧИ ТИШ ИМПЛАНТЛАРИГА АСОСЛАНГАН ОЛИНАДИГАН ПРОТЕЗЛАР БИЛАН ЎЗАРО ТАЪСИРИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 15. – №. 2. – С. 98-101.

45. Хабилов Н. Л. и др. ЖАҒ ПРОТЕЗЛАРИ ВА ОБТУРАТОРЛАРНИНГ ГИГИЕНИК ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ УСУЛЛАРИГА АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 15. – №. 2. – С. 89-91.

46. ХАБИЛОВ Н. Л. и др. ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ШИЛЛИҚ ҚАВАТИ ПАТОЛОГИЯСИНИ МАҲАЛЛИЙ ДАВОЛАШ УЧУН АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 16. – №. 4. – С. 63-67.

47. ХАБИЛОВ Н. Л., ШАРИПОВ С. С., АБДУРАХИМОВ З. А. Тўлик олинадиган пластинка протезларини маҳкамлашнинг турли усулларидадан фойдаланган ҳолда тишлари тўлик бўлмаган беморларнинг ҳаёт сифати ҳақда адабиётлар таҳлили //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 16. – №. 4. – С. 68-74.

48. Xabilov N., Sharipov S. ЎСМИРЛАР ТИШ ҚАТОРЛАРИ ВА ОККЛЮЗИОН САТҲДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЧАККА ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ //СБОРНИК ТЕЗИСОВ Международной научно-практической конференции «Актуальные проблемы ортопедической стоматологии и ортодонтии. – 2022. – Т. 5. – С. 139-140.

49. Хабилов Н. Л., Шарипов С. С. ТА 'ЛИМ INSONNI КОМИЛЛИККА УЕТАКЛАУДИ //ТАЛИМ ФИДОЙЛАРИ.–2021/4–Т. – Т. 1. – С. 398-401.

50. Хабилов Н. Л. КЛИНИКО-ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ ПОКАЗАТЕЛИ ПАРОДОНТА У БОЛЬНЫХ С РАЗРУШЕННОЙ КОРОНКОВОЙ ЧАСТЬЮ И С

РАЗЪЕДИНЕННЫМИ КОРНЯМИ В ОБЛАСТИ БИФУРКАЦИИ МНОГОКОРНЕВЫХ ЗУБОВ //Российский стоматологический журнал. – 2004. – №. 1. – С. 21-24.

51. Хабилов Н. Л. Клинико-экспериментальное обоснование применения биоситалла для восстановления дефектов зубов и зубных рядов несъемными конструкциями: Дис.... д-ра мед. наук. – 2004.

52. Хабилов Н. Л., Ирсалиева Ф. Х. Состояние микроциркуляции в тканях пародонта при протезировании искусственными коронками из разных конструкционных материалов //Врач-аспирант. – 2010. – Т. 39. – №. 2.2. – С. 268-274.

53. Xabilov N., Mun T., Usmonov F. Konstruksiyonnye osobennosti dentalnogo implantata, razrabotannogo v Uzbekistane //Stomatologiya. – 2014. – Т. 1. – №. 3-4 (57-58). – S. 53-58.

54. Хабилов Н. Л., Нунова Ш. Н., Нунов Н. Б. Распространенность зубочелюстных аномалий у детей школьного возраста Бухарской области //Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2015. – №. 12-9. – С. 1633-1634.

55. Клемин В. А. и др. Пропедевтика ортодонтии: учебное пособие/Под ред. ВА Клёмина. – 2015.

56. Хабилов Н. Л. и др. Влияние съемных пластиночных протезов на микробиоценоз полости рта //Medicus. – 2016. – Т. 6. – №. 12. – С. 82-5.

57. Хабилов Н. Л. и др. Ортодонтия с детским зубным протезированием //Ташкент, 2016.–218 с. – 2016.

58. Хабилов Н. и др. К вопросу применения биоактивных покрытий для дентальных имплантатов //Stomatologiya. – 2016. – Т. 1. – №. 1 (62). – С. 88-95.

59. Хабилов Н. и др. Диоксид циркония-один из современных стоматологических материалов //Stomatologiya. – 2017. – Т. 1. – №. 2 (67). – С. 107-110.

60. Хабилов Н., Сафаров М., Досмухамедов Н. Анализ современных подходов к ортопедическому лечению с опорой на дентальные имплантаты //Stomatologiya. – 2018. – Т. 1. – №. 2 (71). – С. 67-71.

61. Хабилова Н. Н., Хабилов Н. Л. ОЦЕНКА СОСУДИСТО-ТКАНЕВЫХ РАССТРОЙСТВ И РЕГИОНАРНОГО КРОВОТОКА ПРИ ХРОНИЧЕСКИМ РЕЦИДИВИРУЮЩИМ АФТОЗНЫМ СТОМАТИТЕ //Новый день в медицине. – 2019. – №. 4. – С. 328-331.

62. Хабилов Н., Хабилова Н. РОЛЬ АДГЕЗИВНЫХ МОЛЕКУЛ В РАЗВИТИИ АФТОЗНОГО СТОМАТИТА //Stomatologiya. – 2019. – Т. 1. – №. 3 (76). – С. 32-36.

63. Хабилов Н. Л. и др. Сравнительный анализ биоматериалов, предназначенных для остеозамещения //Journal of Medicine Innovations. – 2021. – Т. 1. – С. 72-77.

64. Xabilov N.L., Usmonov F.K., Mun IMPLANT IMPLANT FOYDALANISHDA PROTEZIK VA Tish implantatsiyasidan oldingi va keyin tishlaridagi nuqsonlari bo‘lgan bemorlarning hayot sifatining o‘zgarishini baholash. UZ //Yevrosiyo tibbiyot va tabiiy fanlar jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 6. – S. 509-513.

65. Хабилов Н. и др. Сравнительный анализ биоматериалов, предназначенных для остеозамещения //Медицина и инновации. – 2021. – Т. 1. – №. 1. – С. 52-56.

66. Хабилов Н., Сафаров М., Азизова Ш. В ОРТОПЕДИЧЕСКОЙ СТОМАТОЛОГИИ СОВРЕМЕННАЯ ПРОФИЛАКТИКА И ЛЕЧЕНИЕ ГИПЕРЕСТЕЗИИ //Stomatologiya. – 2021. – №. 1 (82). – С. 77-81.

67. Хабилов Н., Мун Т., Усмонов Ф. СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ВЛИЯНИЯ ПОВЕРХНОСТИ ДЕНТАЛЬНОГО ИМПЛАНТАТА “IMPLANT. UZ” НА ПРОЦЕСС ОСТЕОИНТЕГРАЦИИ //Stomatologiya. – 2021. – №. 2 (83). – С. 5-7.

68. Хабилов Н. Л., Сафаров М. Т., Азизова Ш. И. MODERN METHODS OF PREVENTION AND TREATMENT OF HYPERESTHESIA CAUSED BY SHARPENING IN ORTHOPEDIC DENTISTRY //УЗБЕКСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЖУРНАЛ. – 2021. – Т. 2. – №. 3.

69. Хабилов Б. и др. ЧАСТИЧНЫЕ СЪЕМНЫЕ ПРОТЕЗЫ: КЛИНИЧЕСКАЯ ПОТРЕБНОСТЬ В ИННОВАЦИЯХ

70. Хабилов Н., Сафаров М., Дадабаева М. Проблемы зубного протезирования у больных сахарным диабетом //Stomatologiya. – 2016. – Т. 1. – №. 2-3 (63-64). – С. 140-148.

71. Хабилов Н. Л., Нутова Ш. Н., Нутов Н. Б. Распространенность зубочелюстных аномалий у детей школьного возраста Бухарской области //Российская стоматология. – 2016. – Т. 9. – №. 1. – С. 60-61.

72. Хабилов Н., Шарипов С. ОСОБЕННОСТИ ПРИЕМА ПАЦИЕНТОВ ВРАЧАМИ-СТОМАТОЛОГАМИ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ НОВОЙ КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ (COVID-19) //Збірник наукових праць SCIENTIA. – 2021.

73. Шарипов С. С., Ўткирбек А., Абдусатторович А. З. ЎСМИРЛАР ОККЛЮЗИОН САТҲДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЧАККА ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ РИВОЖЛАНИШ ТАЪСИРИГА АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 14. – №. 4. – С. 142-149.

74. Шарипов С. С. и др. ТИШ ҚАТОРИДАГИ АНОМАЛИЯ ВА ДЕФОРМАЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИНИ

АМАЛИЁТГА ТАДБИҚ ҚИЛИШ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 15. – №. 2. – С. 86-88.

75. Шарипов С. С. и др. ЧАККА-ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ ДИСФУНКЦИЯСИ ВА ТИШЛОВ АНАМАЛИЯЛАРИГА АДАБИЁТЛАР ШАРХИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 15. – №. 2. – С. 92-94.

76. Шарипов С. С. и др. ЧАККА ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 16. – №. 2. – С. 79-82.

77. Шарипов С. С. и др. ЧАККА-ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ ДИСФУНКЦИЯСИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УСУЛЛАРИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 16. – №. 2. – С. 70-73.

78. Шарипов С. С. и др. СТОМАТОЛОГИК ДАВОЛАНИШГА МУХТОЖ БОЛГАН КАТТА ЁШДАГИ БЕМОЛЛАРИНИНГ ОҒИЗ БЎШЛИҒИ КАСАЛЛИКЛАРИГА МУНОСАБАТИНИ ПСИХОЛОГИК БАҲОЛАШ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 16. – №. 2. – С. 66-69.

79. Шарипов С. С. и др. ЧАККА ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ КАСАЛЛИКЛАРДА ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 16. – №. 2. – С. 74-78.

80. Шарипов С. С., Хабилов Н. Л. COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ТИШ ПРОТЕЗЛАШ АМАЛИЁТИНИ ХАФСИЗ САҚЛАШНИНГ УСУЛЛАРИ //EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH. – 2021. – Т. 1. – №. 2. – С. 845-854.

81. Шарипов С. Хабилов Нигман. COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ТИШ ПРОТЕЗЛАШ ЖАРАЁНИДА БЕМОЛЛАРДАН АЖРАЛГАН СЎЛАКНИНГ АҲАМИЯТИ //Вестник ТМА. – 2021. – Т. 2021. – С. 137-138.

82. Шарипов С. С. и др. ТУРЛИ МАТЕРИАЛЛАРДАН ТАЙЁРЛАНГАН ОЛИНМАЙДИГАН КЎПРИКСИМОН ТИШ ПРОТЕЗЛАРИНИНГ ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ҲОЛАТИГА ТАЪСИРИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 17. – №. 4. – С. 14-20.

83. Шарипов С. С. и др. COVID-19 ВИРУСУ ТАРҚАЛГАН ДАВРИДА ТИШ ПРОТЕЗЛАШ АМАЛИЁТИДА БЕМОЛЛАРДАН АЖРАЛГАН СЎЛАКНИНГ ТАЪСИРИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 17. – №. 4. – С. 9-13.

84. Шарипов С., Хабилов Н., Алимов Ў. А. З. А. COVID-19 TUFAYLI TISHSIZ BEMORLAR OG'IZ SHILLIQ QAVATI TIZIMIDAGI BUZILISHLAR //СБОРНИК ТЕЗИСОВ" АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СТОМАТОЛОГИИ" РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ. – 2022. – Т. 10. – С. 188-190.

85. Шарипов С. и др. СТОМАТОЛОГ ШИФОКОРЛАРНИ COVID-19 ВИРУСИДАН ХАФСИЗ САҚЛАШ //Scientific Impulse. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 895-898.

86. Ярмухамедов Б. Х. и др. ИЗУЧЕНИЕ БИОСОВМЕСТИМОСТИ ЗУБНОГО ИМПЛАНТАТА “IMPLANT. UZ” IN VITRO //АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СТОМАТОЛОГИИ ДЕТСКОГО ВОЗРАСТА. – 201.

87. Алиева Н., Мухамеджанова Ф. Антропометрические показатели у детей шахматистов //Журнал проблемы биологии и медицины. – 2018. – №. 1 (99). – С. 11-13.

88. Инояттов А. Ш. ПУТЬ ПРОФЕССИОНАЛА: РАБОТАТЬ НАД СОБОЙ //Stomatologiya. – 2018. – №. 4. – С. 6-9.

89. Салимов О. Р. Комплексная реабилитация пациентов с частичным отсутствием зубов, направленная на профилактику прогрессирующей атрофии тканей протезного ложа //Medicus. – 2017. – Т. 14. – №. 2. – С. 62-64.

90. Rikhsieva D. U., Salimov O. R. FEATURES OF BONE METABOLISM DURING LACTATION //Journal of Academic Leadership. – 2022. – Т. 21. – №. 2.

91. Рихсиева Р. Д., Салимов О. Р. ПОРАЖЕНИЯ ПОЛОСТИ РТА И ИЗМЕНЕНИЕ PH СЛЮНЫ В РАЗНЫХ ТРИМЕСТРАХ БЕРЕМЕННОСТИ //ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ В XXI ВЕКЕ. – 2021. – С. 282-286.

92. Salimov O., Pulatova B. THE ELABORATION OF MATHEMATICAL MODELS FOR FORECASTING THE ESTIMATION OF THE EFFICIENCY OF THE LOCK FIXATION (ATTACHMENT) OF DENTURES ON NATURAL TEETH AND IMPLANTS //European Journal of Research volume. – 2020. – Т. 5. – №. 2. – С. 46-57.

93. Salimov O. Scientific justification of development of domestic attachments and their clinic-biomechanical assessment of effectiveness at a denture with use of implants //European science review. – 2016. – №. 3-4. – С. 245-247.

94. Салимов О. Р., Хабилов Н. Л., Касымов А. Ш. Микробиология полости рта у больных, страдающих пузырчаткой //Врач-аспирант. – 2009. – Т. 29. – №. 2. – С. 133-139.

95. Salimov O. R. et al. Changes in the microbiocenosis of oral employment in women in the first year of lactation //Journal of Pharmaceutical Negative Results. – 2022. – С. 799-808.

96. Салимов О. Р. ЧАККА-ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ ДИСФУНКЦИЯСИНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАНШ УСУЛЛАРИ //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – Т. 10. – С. 469-475.

97. Salimov O. R. EXPERIENCE OF EXPERIMENTAL APPLICATION OF RATIONAL DESIGN OF DOMESTIC DENTAL IMPLANT //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – Т. 10. – С. 476-480.

98. Салимов О. Р., Рихсиева Д. У. СОСТОЯНИЕ ТВЕРДЫХ ТКАНЕЙ ЗУБОВ У ЖЕНЩИН В ПЕРИОД ЛАКТАЦИИ //Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 240-244.

99. Mun T. O. et al. Experience of Experimental Application of Rational Design of Domestic Dental Implant //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 5-11.

100. Салимов О., Мун Т., Назарова Ш. ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ ОРТОПЕДИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ СЪЕМНЫМ ПРОТЕЗИРОВАНИЕМ С ОПОРОЙ НА ИМПЛАНТАТЫ //Медицина и инновации. – 2021. – Т. 1. – №. 4. – С. 425-431.

101. Salimov O. et al. THE JUSTIFICATION FOR A RATIONAL DESIGN OF A DENTAL IMPLANT WITH A LOCKABLE MOUNT-ATTACHMENT //European Journal of Molecular & Clinical Medicine. – 2020. – Т. 7. – №. 2. – С. 2020.

102. Салимов О. СПОСОБ ПРОНОЗИРОВАНИЯ ОСЛОЖНЕНИЙ ПРИ ДЕНТАЛЬНОЙ ИМПЛАНТАЦИИ У БОЛЬНЫХ С СОМАТИЧЕСКИМИ ЗАБОЛЕВАНИЯМИ //Журнал стоматологии и краниофациальных исследований. – 2020. – Т. 1. – №. 2. – С. 16-22.

103. Салимов О. и др. Антирадикальные свойства ротовой жидкости при адентиях у больных ожирением //Stomatologiya. – 2014. – Т. 1. – №. 3-4 (57-58). – С. 47-53.